



20-йиллар охирида собик иттифок ва республикада тартиб топиб келаётган талаблар жамиятига хос хусусиятлар тобора ошкора намоён бўла бошлади. Бу жамиятнинг негизи бўлиб колган маъмурий-буйрукбозлик тизими, НЭП иктисодиётининг зиддиятларини ўзига сингдириб, «харбий коммунизм» анъаналарини давом эттириб борди. Асосий қисми паст малакали ва кашшок кишилардан иборат бўлган ишчилар бозор стихиясини яқка тартибда зўр бериб қилинадиган ижодиётини эмас, балки тайинли маълум ижтимоий кафолатларни афзал кўра бошлади. Айнан мана шу ҳолатлар маъмурий ислохот тизимига мойиллик тугдирар эди. Бу эса оммани гоёвий жихатдан бўйсиндириш имкониятини енгиллаштирар эди.

Иктисодиёт, сиёсат, маданият партия ва давлат номенклатураси исканжасига тушиб колди. Хукмрон партиянинг тор доирада қабул қилган қарорлари мамлакат учун мажбурий эди. Расман эълон қилинган демократик жараёнлар ижодий бахс, мунозаралар, келишув йўлларини қидиришлар амалда тўхтатилган эди. Советлар ва жамоат ташкилотлари юқоридан берилган директив кўрсатмаларнинг пассив ижрочиларига айланиб колдилар. Хукмрон партия органларисиз биронта қарор ҳам, қабул қилиш мумкин бўлмай колди. Ўша давр конституциясида эълон қилинган ҳақ-хуқуқлар оммавий равишда бузила бошланди.

Марказ ва жойларда партия-бюроқратлар аппарати тобора кўчайиб борди. Унинг бутун механизми хукмрон партиянинг «зўраки янги жамият» қуришига доир йўл йўриқларини амалга оширишга қаратилган эди.

Бутун мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаёти партия тазйики билан амалга оширила бошлади. Жумладан: 30-йилларда республикамизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти ҳам совет тарғиботининг мустаҳкамланиши ва шахсга сизининг кўчайиб бориши шароитларида ўтди. Хукмрон партиянинг таркибий қисми бўлган Ўзбекистон компартияси ҳам республика ҳаётининг бутун ижтимоий-иқтисодий, мафқуравий ва маданий соҳаларига раҳбарлик қилди. Барча жабҳалар унинг назорати остига ўтди. 1929 йилда ўтказилган партиядаги тозалаш натижасида хукмрон партия аъзоларининг 15,6 % унинг сафларидан чиқарилди. Уларнинг кўпи айбсиз бўлса ҳам жазоландилар. Оммага партия таъсирини кўчайтириш мақсадида қорхоналарда партия комитетлари ва цех ячейкалари, бригадаларда партия гуруҳлари, колхозларда бошлангич партия ташкилотлари тузилди. Қишлоқ советлари колхоз, совхозлар қурилишида, Қишлоқнинг сиёсий ва хўжалиқ ҳаётида партия бўлими амалга ошириб борадиган ижрочи органларга айланиб борди. 30-йилларда жамият ижтимоий сиёсий ҳаётининг барча соҳалари устидан хукмрон партия назорати янада кўчайди. Инсонларнинг бутун ҳаёти, уларнинг

Ўй-фикрлари аста-секин ҳамма нарсани унутишга мажбур киладиган янги жамият куриш гоёсини амалга оширишга қаратилди, ҳаддан ташқари тигиз ва уддалаб бўлмайдиган беш йилликлар топширикларини бажаришга бўйсундирилди.

Янги иқтисодий сиёсат (НЭП) ўзил кесил барҳам топди. Кишлоқ хўжалигини зудлик билан коллективлаштириш йўлига қатъиян киришилди. Шаҳар билан Кишлоқ қисқа муддат ичида каттик марказлаштириш ва маъмуриятлаштириш ихтиёрига тушиб қолди. Саноат ва савдода давлат сектори тобора каттик монополист, яъни яққа ҳоким бўлиб борди. Ўзбекистонда ҳам саноатда умумийлаштириш жараёни бошланди. Майда саноатдаги хусусий секторнинг улуши тўхтовсиз қисқараверди ва 20 йилларнинг охирига келиб деярли барҳам топиб қетди. Индустриаллаштириш ва хунармандларни кооперациялаш натижасида республика саноатида хусусий сектор деярли бутунлай тугатилди.

Бошқарувнинг маъмурий-бўйрукбозлик тизимини таъминлашда иқтисодиётни ривожлантиришнинг режалар асосидаги усуллари муҳим рол ўйнади. Улар иқтисодиётга раҳбарлик қилишни давлат тамонидан ишлаб чиқарадиган халқ хўжалиги режалари асосида мумкин қадар кўпроқ марказлаштиришни мустаҳкамлаб берди.

Совет тузимидан азалдан мавжуд бўлган зиддиятлар 30-йилларда кўчя бошлади. Ҳаётнинг барча тамонлари устидан давлат тўла назорат олиб борадиган, партия аппарати ҳар қандай ҳуқуқ чиқаришга қодир бўлган вазиятда меҳнатқашлар ҳаётининг ижтимоий иқтисодий, маиший соҳаларни ислоҳ қилиш ёки лоқал юмшатиш тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин бўлмай қолди.

Ўша давр ҳуқуқрон мафқураси тамонидан социализмнинг капитализмдан афзаллиги тўғрисида, меҳнатқашлар фаравонлигини тубдан юксалтиришга, ҳаётнинг асл моҳиятини ўзгартиришга қодир бўлган янги ижтимоий тизим тўғрисида эълон қилинган фикрлари марксизм-ленинизм назариясига, шак-шубҳасиз, жозибадор тус берар эди. Бирок маъмурий-ислоҳот, тоталитар тарғибот шароитларида бу назариянинг амалиёт билан тўқнашувига бардош бера олмагани 30-йилларнинг ўзидаёқ маълум бўлиб қолди. Чунки ҳаёт тажрибаси моддий бойликларни бир текис тақсимлаш, ишлаб чиқариш воситаларини умумлаштириш, хусусий мулкни тугатиш, бозорга қараб хўжалик юритиш механизмларидан воз кечиш сиёсатининг беъманилигини исботлаб берди.

Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигининг пасайиб бориши муқаррар суръатда меҳнатга тўланадиган ҳақ миқдорининг қамайишига, меҳнат ва турмуш шароитларининг ёмонлашиб қолишига олиб қелди. Меҳнат тўғрисидаги қонунларнинг каттиклашуви ишчиларнинг ишлаб чиқаришга ва Кишлоқ аҳолисини қолхозларга зўрлаб бириктириб қўйиш, ишга қечикганлик учун жиноий жазо беришни жорий этиш ва бошқа қоралар тоталитар тузимнинг самаралари бўлиб, улар оғир оқибатларни қелтириб чиқарди.

Мамлакатда маъмурий ислоҳот, бюрократик тузимнинг шаклланишида сунъий обрўлар билан, каттик қуллик ва жаҳолат орқали «халқлар отаси» номини олган И.В.Жугашвели (Сталин) нинг хизмати қаттадир. У 1922 йилда мамлакат ҳуқуқрон партияси марказий қўмитаси бош қотиби лавозимини эгаллаб, 20- йиллар охирида «дохий» даражасига эришган эди. У ўта усталик билан ўзидан ҳар тамонлама қучли бўлганларни йўқ қила олди. Ўзи сингари бюрократ, тоталитарларни эса ўз атрофига тўплади. У ўзига халқ ишончини қозона олган большевиклар раҳбари номини ўзига қалқон қилиб олди. Сталин оппозициячилар билан қурашни «Социализм учун қураш» дек тарзда олиб борди. У Лениннинг давомчиси ролини ўйнади. Қим ўзига қарши қикса, уни «Ленинга қарши», «социализмга қарши», деб эълон қилди.

Ўша даврдаги ташки ахволнинг огирлиги, мамлакатнинг холсизлиги ҳам марказлаштирилган бошқарув учун имконият яратиб берди. Айниқса мамлакат аҳолисининг катта қисминининг саводсизлиги ҳам бундай бошқарувга имкон яратди. Бу ҳолатлар эса Сталин шахсига сизинишдек узок давом этган касалликни келтириб чиқарди.

Мамлакатда бундан кейинги амалга оширилган барча ишлар, муваффақиятлар, ютуқлар Сталин номи билан боғланди. Унинг номини янада улуглашда «сохта шиорлар», «сохта ташаббусқоликлар», «сохта қахрамонликлар» ҳам муҳим рол ўйнади. Айниқса фашизмга қарши матонат билан қурашган халқнинг галабаси ҳам «Сталин бошчилигидаги галаба»га айланди.

Буюқ орзу-ниятлар билан «янги жамят» қурмокчи бўлган оддий халқ эса мамлакатда бўлаётган сиёсий жараёнлар моҳиятини англаб ета олмас эди. Чунки Сталин ясаган сиёсий аппарат, унинг гоҳвий йўналиши барча қилинаётган ишлар оддий халқ, меҳнатқашлар манфаати учун қилинаётгандек тасаввур ҳосил қилар эди. Ҳатто одамлар Сталинсиз ўз ҳаётларини тасаввур қилолмаслик даражасига ҳам тушиб қолган эдилар. Шу сабабдан ҳам улар Сталин вафот этганда (1953 йил 5 март) «энди нима қиламиз?», «энди қандай яшаймиз?» деб васвасага ҳам тушган эдилар.

Ана шу тарика бошқаришнинг маъмурий–бўйруқбозлик усули, Сталин шахсига сизиниш мамлакатда ўзбошимчалик ва гайри қонунийликни бошлашга ва бундай ҳолатларни қенг микёсда ёйилишига шароит яратиб берган эди.

Биз ўрганаётган 20-30 йилларда Республикамиз ҳаёти Марказнинг қаттиқ назароти остида ўтар эди. Партиянинг йўл-йўриқларидан бир оз бўлса-да четга чиқиш сиёсий, ақсил инқилобий ҳаракат деб баҳоланар эди.

«Социализм мустақамланиб борган сари синфий душман қаршилиги ҳам шунчалик қўчайиб боради» деган сталинча сохта гоҳ бутун мамлакатда қатагонлик сиёсатини бошланишига сабаб бўлди. ВКП(б) марказий қўмитаси томонидан ўйлаб чиқарилган «партиядаги ўнг хатар» нинг эълон қилиниши билан мамлакатда «Троицкийчилар» никоби остида, хибсга олинишлар бошланди.

Мамлакатда бошланган қатагонлик сиёсатининг бош мақсади зўрақи ўрнатилган тузумга қарши бўлганлардан ўч олиш, Сталин сиёсатидан норози бўлганлар ва ундан ақл, билим жиҳатдан устун турганларнинг йўқ қилиш ҳамда янгича қўринишда давом этаётган мустамлақачилик сиёсатини мустақамлашдан иборат эди.

Ўзбекистон қомпартиясининг IV съезди (1929 й) ҳам Республикамизда партия ташқилотларидаги гуруҳбозликка қарши қураш никоби остида тазйик меҳанизмини ишга туширди.

Дастлаб жойларда миллий маданиятни қайта тиклаш, халқ турмишини яхшилаш муаммоларига диққатни жалб этишга уринган раҳбар ходимлар ва ижодий зиёлийлар йўқ қилинган эди. Айнан шу муносабат билан республикамизнинг Турор Рисқулов, Абдулла Раҳимбоев, Назир Тўрақулов, Иноғомжон Хидиралиев, Қайғисиз Атабоев, Султонбек Хўжанов сингари машқур арқоблар миллатчилиқда айбландилар.

Ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг муқобил йўлларини амалга оширишга уринган қишиларга гуруҳбозликка қарши қураш шиори остида айблар қўйилди. Кейинчалик «иноғомовчилиқ», «18лар гуруҳи», «қосимовчилар» деб ном олган ишлар худди ўша пайтларида тўқилган эди.

1929 йил охирларида атокли маърифатчи Мунаввар Кори Абдурашшидхонов бошчилигидаги «миллий истиклол» ташкилотининг аъзолари камокка олинди. Камалган 85 нафар аъзолардан 15 таси отиб ташланди, колганлари эса тузатиш-мехнат лагерларига жўнатилди. Йирик жамоат арбобларидан Маннон Абдуллаев (Рамз), Носир Саидов, Махмуд Ходиев (Боту), Хосил Василлов, Собир Кодировлар ўлим жазосига ҳукм этилдилар, кейинчалик бу ҳукум узок муддатли камок жазоси билан алмаштирилди. 1930 йили Давлат банки аппаратида тозалаш ўтказилиб, бир канча рахбар ходимлар камокка олинди. Республика Олий судининг собик раиси Саъдулла Косимовнинг иши билан боғлиқ «косимовчилик» деган, ишлар тўқиб чиқарилди. Суд ишларининг ҳаммаси асосан илгор сиёсий арбобларни йўқ қилишга қаратилган эди. Буларнинг ҳаммасида Сталиннинг хўжалик муоммаларини маъмурий чоралар билан ечишга мойиллиги ва чексизхокимлик қилишга интилиш мудҳиш ролни ўйнади. 20-йиллар охирларида бошқа республикаларда бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам хусусий капитални ва нэпманлар, бойлар хўжаликларининг қолдиқларини жуда қисқа муддат ичида тугатиш йўли қўллаб қувватланди. Мана шу нэпманлар, бойларнинг ҳаммаси социалистик қурилишнинг энг ашаддий душманлари деб эълон қилинди.

1930 йил февралдан бошлаб Ўзбекистонда кулоқ хўжаликларни тугатиш компанияси бошланди. Бу компания, худди бошқа республикалардагидек, қонунлар ва инсон ҳуқуқларини қўпол равишда бузиш ҳоллари билан биргаликда давом этиб борди. Биргина Мирзачултумани (Тошкент округи) да 75 та хўжалик кулоқ қишлоқ сифатида тугатилди. Қўпгина районларда кулоқ хўжаликларигина эмас, балки ўрта ҳол ва хатто камбағал хўжаликлар ҳам мусодара қилинди. Натижада Ўзбекистонда биргина 1930 йили 2648 та кулоқ ва бойлар хўжаликлари деб аталган хўжаликлар тугатилди. 1930-1933 йиллари тугатилган хўжаликлар сони 5,5 мингтага етди, уларнинг қўпчилиги иттифокнинг бошқа районларига, асосан Украина ва Сибирга қўчирилиб юборилди. Қўчирилганларнинг қўпчилиги нобуд бўлиб кетди.

Собик иттифокда катагонликнинг кенг миқёсида бошланиши ВКП(б) XVII съезди (1934 йил) ва унда қўрилган ташкилий масалалар билан боғлиқдир. Съезд якунида партия марказий қўмитасига қотиблар сайлови ўтказилди. Номзодлар орасидан С.М.Киров қўп овозни эгаллади. Сталин усталлик билан бош қотиб (сарқотиб) сайловини ўтказдирмади. Чунки С.М.Киров сарқотиблик лавозимини эгаллаши мумкин эди. Шу сабабли Сталин то умрининг охиригача ҳукумат раиси ва партия марказий қўмитаси қотиби (сарқотиб деб аталмаса ҳам у партиянинг бош рахбари сифатида фаолиятини давом эттирди) лавозимларида турди.

Партия XVII съезидан кейин қўп ўтмасдан С.М.Киров ўлдирилди. Бу воқеа партия ва мамлакатда кенг қамровли катагонликни бошлаб берди. Бу ҳаракатлар номига Киров душманларига қарши қураш никобида бўлсада, аслида съездда Кировга қўп овоз бериб, Сталинга унча ишонмаган коммунистлардан ўч олишдан иборат эди.

Партия XVII съезида қатнашган 1956 делегатдан 1108 таси, съезд сайлаган 139 та марказқум аъзолари ва аъзоликга номзодлардан 98 таси, яъни 70 фоизи катагон қилинди.

Сталин съезддаги сайловлардан сабоқ чиқариб, ўзидан ҳар томонлама қучли, онгли фаолларни йўқ қилишга қиришди. Собик иттифокдаги катагонлик 1937-1938-йилларда ўзининг энг юқори чўққисига қўтарилди. Партия ва давлат рахбарларидан Зиновьев, Каменев, Бухорин, Риков, Пятаков, Томский қабилар устидан сунъий айблар тўқилди. Мамлакатда «Зиновьевчи», «Каменевчи», «Бухаринчи», «Пятаковчи», «Томскийчи»лар

кидирилди. Бир неча минглаб кишилар ана шу ёрликлар билан катл эттирилди ва лагерларга жўнаттирилди.

Ўзбекистонда янги катагонлик партия ва Давлат олдида катта -катта хизматлар килган атокли арбобларни камокка олишдан бошланди. Сиёсий бошкарма органлари (ОГПУ) Ф.Хўжаев1, А.Икромов, Д.Манжара, С. Сегизбоев, А.Каримова ва бошқалар хусусида советларга карши кўпоровчилик ишларини тўкиб чикардилар. Булар назарий бахс ва мунозараларда ўз позицияларини махкам туриб химоя киладиган хурматли ва эътиборли халк етакчилари эди. Улар шахсга сигинишнинг якка партия зўравонлиги илдиз отиб кетишининг хавфли эканлигини очик равшан тушинар эдилар. Улар жойларда катта хукм ўткази оладиган бўлишларига карамай катагонларнинг зўрайиб боришини тўхтатиб колмадилар. Ўзбекистонда кенг кўламли агентура кузатувлари ва оммавий равишда камокка олиш ишлари ташкил этилди. 1937 йилнинг август сентябр ойларида бир неча минг кишилар республика ички ишлар халк комиссарлиги (НКВД)нинг ички камокхоналарига тушиб колди. Уларнинг орасида ЎЗ компартия марказий комитаси котиблари С.Болтаев, И.Худайкулов, А.Цехев, марказкўм бўлим бошликлари М.Шермухаммедов, М.Усманов, К.Берчин, ЎЗЛКСМ марказкуми котиблари И.Ортиков, Т.Рискулов, Ф.Тарасов, Республика халк комиссарлари А.Исламов, М.Турсунхўжаев, вилоят партия кўмитаси котиблари Д.Ризаев, К.Болтаев, Н.Исроилов, Ю.Ирисметов ва бошқалар бор эди. 1938 йил бахорига келиб вилоятлар, шахарлар, партия кўмиталари котибларининг 60% дан кўпроги, шу йилнинг иккинчи ярмида эса вилоятлар, шахарлар, районлар партия кўмиталарининг 114 нафар котиблар катагон килинди.

1934 йилдан 1938 йилгача бошка республикалар каби Ўзбекистонда 40 мингдан зиёд киши жазога тортилган эди. Шулардан 730 таси халк душмани деган тухмат билан отиб ташланди.¹

Ўзбекистон жамияти хамма табакаларга кенг ёйилган хибсга олиш тўлкини остида колди.

Ўзбекистон НКВДсининг ички турмаси ва бошка жойлардаги камокхоналарда махбуслар шафкатсиз жисмоний жазоларга махкум этилар эди. Энг кучли ва мардонавор кишилар хам ахволи иложсизлиги кўриб ва ўз якинларининг такдирларидан хавотир олиб килмаган жиноятларини тан олишга мажбур бўлар эдилар.

Махбусларнинг кўплари ўз-ўзини ўлдиришни бирдан бир чора деб билардилар.

30-йилларнинг охирида Ўзбекистон хамманинг кўнглига тушган дахшат, хоинлик, зўрлик ва бедодлик шароитига тушиб колди.

(Халкимизнинг гули бўлган зиёлиларимизнинг, етакчиларимизнинг катагон килинишида ўз юртдошларимизнинг айрим вакилларини кўркувдан хоинлик, соткинлик килганликларидан, амал курсиларига ўтириш максадида бир бирларини сотганларидан, ўша давр катагонлик мафкураси таъсирида кўзлари кўр бўлиб колган айрим миллатдошларимизнинг кабиш ишларидан хам кўз юммаслигимиз керак).

Шу тарика инсонийлик ва демократия принципларини топтаб, оёк ости киладиган, хар кандай ўзгача фикр юритишни куч билан бўгадиган, оммавий ўзбошимчалик ва зўрлик ўтказиб, Ватанга содик неча ўн минглаб кишиларни кириб ташлаган тотолитар таргибот карор топиб борди.

"Социализм курилиши" деб аталган йилларда янги жамият кишисининг тўла конли образини яратиш бобида хормай толмай кураш олиб борган ўзбек зиёлиларининг катта бир гурухи хеч кандай асоссиз сабаблар, уйдирма тухматлар ва бўхтонлар оркасида

шубха остига олиниб, умумий таъкиб ва кувгинга гирифтор бўлдилар. Ажойиб фан захматкашлари, кобилиятли ижод сохиблари, маданият жонкўярлари сталинча катагонликнинг айбсиз айбдорлари, бегунох курбонлари бўлдиларки, буни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Бундай мислсиз аянчли қисматга, жисмоний йўқ қилинишга маҳкум этилган сиймолар орасида А. Кодирий, А.Фитрат, А.Чўлпон, К. Алиев, Ш.Сулаймон, У.Носир, 2 О.Хошим, М.Суфизода, А.Ёкубов, Миён Бўзрик, Солихов сингари ўзбек халқининг маънавий мулкига бебаҳо хисса қўшган ўнлаб унинг ажойиб ўғлонлари борлиги бизни чуқур қайғу ва изтиробга солади.

Ўз халқининг қуйлагани, унинг даври, ташвиши, хасрати ва муаммоларини ўйлагани учун бу ўта исътедод сохибларининг йўқ қилинганлиги, уларнинг ёркин ижоди сўндирилгани-тоталитар тузум хунрезлиги ва бебошлигининг қонуний натижасидир.



Тоталитар тузум, шахсга сизиниш ва сталинча катагонлик сиёсати Ўзбекистон халқ таълими ривожига ҳам салбий таъсир этди. Таълим тарбия ўта сиёсатлаштирилди. Миллий маданий меъросни ўрганиш, миллий тарбия усулларидан фойдаланиш тақиқланди. Мактабда "большевикча тарбияларни" ўрнатиш учун олиб борилган кураш ёш авлод тарбиясига путур етказди, натижада болаларга катталарнинг хоши иродасини ва талабларини итоатгўйлик билан бажарувчилар деб қараладиган бўлди. Бўлаётган ишлардан халқни қалғитиш, халқда "дохий" га мухаббатни янада ошириш учун галаба рапортлари, ўлкан ютуклар, буюқ натижалар керак эди. Бу галабалар "дохий" образининг янада яқинроқ бўлиши учун нима қилиб бўлса ҳам қўлга киритилиши лозим эди. Бирон натижага эришилмаса, бунинг учун жавоб бериш керак эди. Шу сабабли Сталин мамлакатнинг исталган жойида хоҳлаган кишини катагон қилиш учун назарий асос бўла оладиган фикрларни башорат қила олар эди. "Правда востока" газетасининг 1940 йил 30 июн сонидида эълон қилинган "халқ маъорифининг юксак марралари сари" номли мақолада: "Партия ва шахсан ўртоқ Сталин кун сайин болаларга, мактабга бўлган хақиқий мухаббат ва гамхўрлик намуналарини кўрсатмоқдалар. Сталиннинг кўлида пионер кизча билан тушган тасвири бизда партиянинг совет болаларига бўлган меҳр мухаббати тимсоли бўлиб қолди"-деб ёзилган эди. Ва ҳоланки 1939-1940 йилларда "дохий севган" болаларнинг 4.7% мактабларга жалб этилмаган, 6.1% мактаблардан кетиб қолган, жами 100 мингдан зиёд болалар мактабларга қатнамай қўйган эдилар.¹

30-йилларда кўпгина ҳалол ўқитувчилар ҳам "халқ душмани" деб эълон қилинди. Уларнинг фарзандлари эса, бундай "ёрликни" олган бошқа кишилар фарзандлари

сингари комсомол аъзолигидан ўчирилиб, мактаблардан хайдалдилар.

Катагон йилларида фавкулудда конунлар қабул қилинди. 12 ёшдан бошлаб ўлим жазосини қўллаш мумкин бўлиб қолди. Ўсмирларнинг катталар билан биргаликда қатл этилган ҳоллари ҳам содир бўлди.

Катагонликлар оқибатида ўқитувчи кадрлар сони қамайиб кетди. Халқ таълими тузими раҳбарлари, педагог олимлар хибсга олиниб, "халқ душмани" сифатида йўқ қилинди: (халқ таълимида катагонликни кенгроқ, тушунтиришни истаган ўқитувчилар учун профессор И.Турсуновнинг "Истиклолга интилган қалблар нидоси" (Т., 1993 и) китобини тавсия этамиз.)

Меҳнатқашларни қалғитиш учун матбуотда "халқ душманлари" ни "фош этадиган" мақолалар мунтазам эълон қилиниб борилди. Шу мақолалардан айримларини матнда келтириб ўтишни лозим топдик:

"Душманлар Ўзбекистон Маориф халқ комиссарлигини беҳудага қўлдан бермай келган эмаслар. Турли даврларда Маориф халқ комиссарлигига бошчилик қилган Усмонов, Каримов, Ризаев, Рамзий каби собиқ халқ комиссарларининг ҳаммаси халқнинг ашаддий душмани бўлиб чиқдилар. Кўпгина шаҳар ва район Маориф бўлимларининг аппаратлари ҳамда мактаблар мана шундай тўдалар билан ифлосланган экан халқ душманлари жуда катта зарар келтирдилар. Уларнинг зарар қўрандачилик хатти ҳаракатлари оқибатида мактаб ёшига етган болаларни умумий мажбурий ўқишга жалб этиш иши хануз тўла амалга оширилаяпти. Халқ душманлари ўзбек болаларининг тўлиқсиз Ўрта ва Ўрта мактабларни тугаллашларига тўсқинлик қилдилар. Мана шунинг учун 8 -10-синфларда ўқиётганларнинг 11% гина маҳаллий миллат вакиллари дир Ўзбекистон мактабларига ўқитувчи кадрлар тайерлаш ишига зарар қўрандаларча муносабат оқибатида 2176 ўқитувчи етишмаётир... "Правда востока" газетаси, 1938 и 6 январ)

"Халқ комиссари Сорокин қаноти остидаги миллатчилар ўзбек ўқувчиларини ўзбек тилини дарслиқлардан ўрганиш имкониятидан маҳрум қилдилар. Халқ комиссари эса қотибалардан ташкил топган ўтиб бўлмас тўсик орқасига, кабинетига ўтириб олиб, ташқарида нима бўлаётганидан беҳабар". Бу даврда матбуотда бундай айбларнинг ёзилишининг ўзи инсонни суд ва терговсиз отиб ташлаш учун қифоя эди.

Юқорида номи зикр этилган К.Сорокин 1936 йил июл ойида республика халқ маъорифи комиссари қилиб тайинланган эди. У 15 ойгина халқ комиссари бўлиб ишлади. 1937 йилнинг 29 сентябрида уни хибсга олишди. Сўнгра унинг рафикасига ҳам хибсга олиш тўғрисидаги ордерни қўрсатишди. Бирок уни (Гулсум Абдурахманова) ўша вақтда ҳомиладор эканлиги қутқариб қолди. Уни қамокдан чиқариб, яшаб турган уйини тезда бўшатиб қўйишни талаб қилишди. У икки ёш гўдаги билан қайнонасининг қичиқ бир уйига қўчиб ўтди.

У Сталинга, Ворошиловга, Берияга мактублар ёзди. Лекин "Эрингиз хат ёзишиш ҳуқуқларидан маҳрум этилган ҳолда 10 йилга ҳуқуқ қилинган деган мазмундаги жавоблар Берия имзоси билан келарди. Кейинчалик қамок муддати хатлар бўйича икки барабар қўпайтирилди. Эри хибсга олингандан уч ой кейин отиб ташланганлигидан беҳабар Гулсум опа ҳар ойда эрининг турмада қун кечириси учун НКВД қассасига олтмиш сумдан пул тўлаб турди. У бу йиллар хатто, "дохий" тезда адолатни тиклайди, деб қутди. Хатто, ўзининг 1938 йил январда тугилган қизига Сталиннинг қизи шарафига Светлана деб ном ҳам қўйган эди.

("Правда Востока" газетаси, 1937 йил, 15 сентябрь.)

Сталинча мустабид хокимияти дастидан миллий жумхуриятлар мустакиллиги, суверенлиги барбод этилибгина колмай, шу билан биргаликда уларнинг фукаролари ички эътиқоди, асрлар оша давом этиб келган миллий кадриятлари, урф-одатлари, расм-русмлари, диний эътиқодлари ҳам топталди.

Динни, рухонийлар ва диндорларни таъкиб қилиш халқнинг маънавий маданиятига ниҳоят даражада зарар етказди. Маъмурий ислохот тартиботи ўрнатилиши билан динга илмий, миллий нуқтаи назардан ёндошиш инкор этила бошлади. "Социализмда динга ўрин йўқ, унга дин бегона" деган қоида устун бўлиб қолди. На масжидлар, на черковлар, на диндорлар шу қадар микёсдаги таъкибларни ҳеч қачон бошидан кечирмаган эдилар. Республика рухонийларининг асосий қисми 30-йилларда концентрацион лагерларга жунатилди. Масжидлар бекитиб қўйилди. Уларнинг аксарияти отхоналар, омбухоналарга айлантилди.

Бу қилинган ишлар, шубҳасиз, миллионлаб кишиларнинг шахсиятига, миллий гурури, ҳис-туйғуларига таъсир кўрсатмай қолмади. Хатто шундай ҳолатларга ҳам дуч келиндик, жумхуриятимиздаги қўплаб хонадонларда вақти-вақти билан ўтказиб туриладиган тинтув пайтида араб ёзувида босилган бирор китоб топилгудай бўлса, унинг номи, мазмунини суриштириб ҳам ўтирмасдан, ўша хонадон соҳибига жамиятга ёт унсур шахс деган лаънат тамгаси босилиб, уни қамок ёки сургун жазосига маҳкум этиларди.

Хоразм вилоятининг Гурлан туманидаги Бегувул қишлоғида илмий, яхши фазилатлари билан элда ҳурмат қозонган, аёлларни ўқитиб, саводли қилган муътабар онахон Бибижон Исмоиловани 80 ёшида диний китоб ўқишда айблаб, қамокка олишган ва момо қамокда оғир аҳволда вафот этган. Холбуки, уйига ўша қузғунлар бостириб қирган кечада Бибижон момо ўзининг ҳамиша ўқиб юрадиган севимли "ахлоқул-муҳсинин" (яхши хулқлар) китобини ўқиб ўтирар ва бу асар гўзал инсоний фазилатлар таърифидан ҳикоя қилар экан. У даврларда ноҳақ айбланиб муштипар момо сингари фожеали қисматга дучор бўлганлар қўплаб учрарди. Бундай ҳоллардан саросимага тушган одамлар аввалгидек китобхонлик нари турсин, хатто эски китобларни қўлга олишдан уни уйда асрашдан ҳам ҳадиксирайдиган бўлиб қолгандилар. (Қаралсин: М.Содиқов. Эркесвар, ҳурриятпарвар эл ворисларимиз, т., "Қамалак", 1992, 38-бет).

Бу ҳилдаги бедодликлар, баттолликлар орқасида халқимизнинг Қадим Қадимдан, авлодлар оша авайлаб, сақланиб, асралиб келинган қўплаб нодир маънавий кадриятлари, миллий удумлари, урф одатлари завоқ топди, емирилди, одамларнинг эса мутелиги, маънавий, рухий мажрухлиги қўчайиб борди.

Бирок шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Сталинча мудҳиш йилларда ҳам ўз иймон эътиқодини сотмаган, ўз фикридан қайтмаган, ўз гоёсига содиқ бўлган юртдошларимиз кўп эди. Уларнинг тирик қолганлари мустақиллигимизга эришишимизга ўз ҳиссаларини қўшдилар ва қўшмоқдалар.

Фашизмга қарши уруш тамом бўлгандан кейин орадан кўп ўтмай барча републикалар сингари Ўзбекистон бўйлаб яна бир ялпи террор тўлкини бўлиб ўтди. 30-йиллардаги Қатагонлар асосан партия, совет, хўжалик ва ҳарбий кадрларга бўлган бўлсада 40-50-йиллардаги Қатагонлар эса асосан маданият ва илм фан арбобларига тааллуқли бўлди.

Собик иттифокдаги ҳукмрон партия марказкуми уруш йилларида фашизм асоратини,

немислар босиб олган ерларда одамлар онгига фашизим мафкурасининг таъсири бўлганлигини ва бунинг оқибатида матбуот, санъат ва адабиётда-гоясизлик сиёсатдан йирик туриш, хаётий хақиқатни бузиб кўрсатиш, реалистик традициядан четлашиш, умидсизлик, келажакка ишончсизлик пайдо бўлганлигини рўқач қилиб, 1946 йилнинг августида "Звезда" ва "Ленинград" журналлари хақидаги, 1948 йилда "улуг дўстлик" операси хақидаги ноҳақ қарорлар қабул қилди. Уларда совет адабиёти ва санъатининг бир канча талантли ходимларининг ижодига ноҳақ ва асоссиз айблар қўйилди. Партиянинг адабиёт ва санъат масалаларига оид қарорларини амалга ошириш вақтида матбуотда ва ижодий ташкилотларда баъзан хатоларга ва бузиш ҳолларига йўл қўйилди бадиий проблемаларни ижодий муҳокама қилиш баъзан маъмуриятчилик билан алмаштирилди, адабиёт, мусика ва кино асарларига баҳо беришда айрим ҳолларда баъзи асарлар асоссиз танқид қилинса, баъзилари асоссиз макталди.

Бу қарорлар (булар ўша даврдаги бош идеолок А.А.Ждановнинг ташаббуси ва кўрсатмаси билан қабул қилинган эди)нинг бажарилиши бутун мафқурани, шу жумладан ижодиётни, адабиёт ва санъатдаги демократик тараккиётни кўп йиллар давомида бўғиб қўйди. Қарорларнинг салбий таъсиридан Ўзбекистон ва унинг партия ташкилоти ҳам четда қолмади. 40-йилларнинг охири, 50-йилларнинг бошларидаги ЎзКомпартия Марказқўмининг барча бюро йигилишларида, 1952 йилда бўлиб ўтган Марказқўм Х Пленумида миллатчиликка қарши никоб остида ўзбек халқининг маданий меросига, бадиий ва илмий зиёлийларга қарши қураш бошланди. Республиканинг кўпгина ёзувчилари, олимлари, партия ва давлат арбоблари миллатчиликда айбландилар. "Айрим ўзбек ёзувчиларининг ижодида, -деб кўрсатилган эди. ЎЗКП б МКнинг 1949 йил 25 июндаги буйруқ қарорида-миллатчилик, миллий чегараланиш, феодал ўтмишни кўқларга кўтариш ва эски феодал маданият олдида қулларча таъзим қилиш ҳоллари сезилиб туради". Қарорларда А.Қаххор, Г.Қулом, А.Қаюмов, М.Шайхзода, Ойбек, Миртемир, Уйғун, М.Бобоев, У.Рашидов, Шуқурулло, С.Ахмадларнинг ижоди қаттиқ танқид остига олинди. Айниқса ўз саҳифаларида ўқувчиларни тартибсизликка ундовчи мақола ва бадиий асарлар бериб борганлигида, космополитизмда (сиёсатдан йириклашишда) айбланган Ойбек раҳбарлигида чиқиб турган "Шарқ юлдузи" журнали қескин танқид остига олинган эди.

1951 йилнинг 8 апрелидаги ЎЗКП б МК бюросида "Ўзбекистон ССРда мусика саънатининг аҳволи ва уни янада ривожлантириш қоралари тўғрисида" қабул қилинган қарорда мусика санъати хаётдан йириклашишда, ўзбек халқини янги жамят қуриш руҳида тарбиялашга хизмат қилмаётганликда айбланди. Классик ва миллий мусикалар, мақомлар, "Фарход ва Ширин", "Лайли ва Мажнун", "Тохир ва Зухра", "Алпомиш" қаби асарларни тарғибот қилиш тақиқланди. Қўштирноқ ичида Миллатчиларга космополитларга, пантуркчиларга қарши матбуотда қенг компания бошланди. 1951 йилнинг 10 августида республика матбуотида Туроб Тўла, Қамтар Отабоев, Миртемир, А.Бобожонов, С.Абдуллаев, Хабибийлар ижодини қескин қоралаган "Айрим шоирлар ижодида мафқуравий бузилишлар" номли мақола босилиб чиқди. 1951 йилнинг 24 августида эълон қилинган мақолада Ойбек, Х.Зарипов, Х.Ёқубов, И.Қултон қаби илмий ходимлар "мафқўравий хато ва бузилишда" айбландилар.

М.Шайхзода, Шуқурулло, Юсупов, Қулом Алимов ва яна бир канча шоир, ёзувчилар 1951 йилда "совет тузимига қарши миллатчиликда" айбланиб қамоққа олиндилар ва 1952 йилда 25 йиллик қамоқ жазосига ҳуқум қилиндилар.

Республикада 50-йиллар Қатагонлигини бошлаб беришда ҳуқмон партия марказқўми

қарорларини Ўзбекистон ҳаётида тадбиқ этишда ЎзКомпартия марказкумининг 1952 йил 21-22 февралда бўлиб ўтган X пленуми ва унинг қабул қилган қарорлари катта роль ўйнади. Пленумда тингланган ва муҳокама этилган биринчи қотиб А.Ниёзовнинг "Республикада идеология ишларининг аҳоли ва уни яхшилаш чоралари ҳақида" ги докладыда шундай деб таъкидланган эди: "Кейинги икки йилда республикада адабиёт ходимлари орасидан совет тузимига қарши, миллатчилик қайфиятида бўлган гуруҳ очиб ташланди. Бу гуруҳ Совет давлатига қарши душманлик ишини олиб борди. Бу гуруҳ аъзолари олдин айбланган миллатчилар билан яқин алоқада бўлганлар, улар мафкуравий бузук мазмундаги шеърлар ёзиб, миллатчиларнинг Совет тузumiга қарши асарларини идеаллаштириб, оммага тарқатганлар".¹

Пленумда жамиятшунос-олимларга ҳам ноҳақ айблар қўйилди. Жумладан файласуф В.Зоҳидов "буржуа миллатчиси", тарихчи А.Бобоҳўжаев "пантуркизмни тарғиб этувчи", иқтисодиётчи А.Аминов эса "буржуа миллатчилари билан алоқа қилувчи"лар сифатида айибландилар.

50-йилларнинг бошларида яна 60 тача энг кўзга кўринган қобилятли олимлар ва ёзувчилар, санъат арбобларининг рўйхати тузилиб, уларни ҳам миллатчи, асл инқилобчи ва ҳақозо ерликлар остида жиноий жазога тортишга уриндилар. Бу офатлардан қутилиш жуда қимматга тушди. Лекин адолат, қарчи тезда бўлмасида, харқалай тикланган эди. Ўзбекистон илм-фани, маданиятининг асосиз Катагон қилинган қўпгина арбоблари 1956 йилда батамом оқландилар. 1940 йилларнинг охирида сургунга юборилганларнинг ҳаммаси озод қилинди. Йўқотиш рўйхатида қўшилган, халқимизнинг фахри бўлган 60 та зиёлиларимиз устидан тайёрланган ҳукм бекор қилинди. Зулмларга қарши адолат ўрнатилган бўлсада. Сталинизм вужудга келтирган таталитар тузум бедодлиги ва бешафқатлиги халқимизнинг орзу умидларини қил-парқин қилди, суверен ҳуқуқлари-миллий мустақиллигини завоқ топтирди. Ўзбекистон оёқ қўли қишанланиб, марказ деб аталмиш зўравон ҳокимият исқанжасига тушиб қолди. Унинг тил қабони қесилди, алифбеси ўзғартирилди, ўтмиши, тарихи қўздан йироқлаштирилди. Сталин шахсига қигиниш туфайли қуй берган Катагонлик сиёсати қобик мамлақат миқёсида 50 миллиондан ортиқ қишини ўз домига қорди.

"Московские новости" газетасининг 1988 йил 27 ноябрь қонидаги Қой Медведевнинг "Қоқко жертив в году қулта личности Сталина?" номли мақоласида Катагон қилинганлар қони йилларгача тақсимланиб қуйидагича берилган:

1927-1928 йил- 10 минглаб "Қроцкийчилар"

1930-1933 йил- 10 миллиондан ортиқ "Қулоқлар"

1933 йил 8 ойида бўлиб ўтган оқлик натижасида-6 миллион қиши

1937 йилгача- 17-18 миллион қиши

1937-1938 йил- (Буюқ терорлар йиллари)- 7 миллион қиши

1938-1940 йил- Қоляк оилалари, Болтик бўйи ақолисидан- 2 миллион атрофида

1942-1944 йил 3 миллиондан ортиқ қиши - қечен, қрим-татар, грек, турк, қурд ва ҳақозо халқлар қўчирилди. Уларнинг 1 миллиондан ортиги қўчиш жараёнида қийинчиликлар натижасида вафот этдилар.

1945-1946 йил- 5 миллион атрофида

1947-1953 йил- "Ленинград иши", "Врақлар иши" ва "Қосмополитлар иши" бўйича 58

модда бўйича ("Қоциализмга қарши пропаганда" айби билан)- 1 миллиондан ортиқ қиши.

Уруш даврида собик иттифок халкининг 30 миллионга яқини кирилиб кетди. Урушсиз, ноҳақ айблар билан 50 миллион кишини асоссиз Катагон килиниши таталитар тузумни, унинг раҳбари бўлган Сталинни умуман оқлаш мумкин эмаслигини исботлаб турибди.

Бунинг устига собик иттифок тарихчи олимлари ўртасида бўлиб ўтган воқеаларга, жараёнларга Сталинни тўлиқ алоқаси йўқдир, кўп катломлар унинг хабарисиз бўлгандир, кўп ҳукмлар усиз бўлганку" деган фикрлар узок давом этди.

Архив ҳужжатлари тоталитар тузумни қарор топишида, катагонлик сиёсатининг бутун мамлакат бўйлаб ёйилишига унинг ҳар бир ҳукмида шахсан Сталиннинг иштироки ва раҳномолиги борлигини тасдиқлайди.

1934 йил 1 декабрда Сталиннинг кўрсатмаси билан Марказий Ижроя кўмитаси қотиби Енукидзе имзо қўйган, "кўлга олинганларнинг иши тезлатилсин улар кечирилмасин, ҳукмлар тезда амалга оширилсин" деган мазмунда деректив ҳужжат эълон қилинган эди.

1937-1938 йилларда минглаб совет, партия, комсомол ва хўжалик ходимлари ва ҳарбийлар исм-шарифлари келтирилган, тайёрланган ва ҳукм эълон қилинган 383 та рўйхат Сталин тасдиғига берилди. У ҳеч иккиланмасдан бу рўйхат ва ҳукмларни тасдиқлади.

1937 йилда ВКП марказкоми номидан ички ишлар халқ комиссарлиги органларига камалганларга нисбатан жисмоний усуллар қўллаш тўғрисида кўрсатма ҳам берилди. РФ собик фирка ҳужжат асрови манбаларидан.

1939 йил 20 январида Сталин марказком томонидан Республикалар партия марказкумларига, вилоят, ўлка партия кўмиталарига, ички ишлар халқ комиссарлари ва ички ишлар бошқармалари бошлиқларига телеграмма юбориб, кулаг* олинганларга нисбатан жисмоний қуч ишлатиш усулларида фойдаланиш, бу усулни доимий қўллашни талаб қилди. Жумладан унда шундай дейилган эди: "ВКП марказкуми шуни билдирадиги жисмоний қуч ишлатиш усулини қўллаш 1937 йилдан буён НКВД иш тажрибасида қўлланилмоқда ва унга ВКП марказкуми руҳсат этган. Нима учун социалистик давлат хавфсизлиги органлари буржуазия кутурган агентларгача ишчилар синфи ва қолхозчиларнинг ашаддий душманларига нисбатан инсонпарвар бўлиши керак? ВКП марказкуми бундан буён ҳам халқ душманларига қарши жисмоний қуч ишлатиш усулидан фойдаланишни тавсия этади ва уни энг тўғри ва мақсадга мувофиқ усул деб ҳисоблайди".

Шахсга сизиниш йилларида шахсан Сталиннинг кўрсатмаси асосида жазолар қаттиқлаштирилди ва жиноий суд ишида шахс ҳуқуқи гарантиси йўқ қилинди. Бу ўз навбатида ўзбошимчалик ва қонунсизликка йўл очиб берди. 1934 йил 10 июлда собик иттифок партия марказкомининг "Алоҳида кенгашлар ташкил этиш тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. Бу қарор асосида ОГПУ, НКВД ходимларидан иборат "учлик", "иккилик" кенгашлари тузилдики, улар судсиз ҳоҳлаган кишини чиқариб, йўқ қилиш имкониятига эга эди.

Кўриниб турибди-ки, юқорида зикр этилган ҳужжатларнинг ҳаммаси 20-йиллардан то "дохий" вафотигача бўлиб ўтган барча хунрезликлар шахсан Сталин қўл остида амалга оширилганлигини тасдиқлаб турибди. Ўша давр мамлакат бош прокурори Вишинский, НКВД, ОГПУ, ички ишлар комиссарлиги раҳбарлари Ягода, Ежов ва Бериялар эса Сталин яратган қатл апаратыни юргизишга бутун қучи билан ёрдам бердилар. Улар "дохий"нинг мақсадларини амалга оширишда "қодик қул" сифатида хизмат қилдилар. Собик ҳукмрон фирка ва шўро ҳуқуматининг қатогонлик сиёсати 80-йилларда яна ўз

аппаратини юргиза бошлади. Бирок, энди бу сиёсат марказ танлаган айрим Республикаларда амалга оширила бошланди.

Шуни такидлаш жоизки, собик иттифок аввал бошданок сохта, кўрама эди. Унга республикалар мажбуран бирлашган эдилар. Шунинг учун ҳам улар ўз халки, миллий давлатчилиги кадриятлари, хохиш-иродаси инобатга олинмаган бу иттифокдан бутунлай норози эдилар. Аммо ундан чиқишнинг иложи йўқ эди. Гарчи собик иттифок Конституциясида бундай коида мавжуд бўлсада, кучли марказ, армия, давлат хавфсизлиги кўмитаси каби асосий кучлар бу иттифокнинг таянч нукталари эди. Шўролар тузумининг қарийиб 70-йиллик ҳукмронлик даврида тўпланиб қолган муоммалар 80-йиллар ўрталарига келиб юзага чиқа бошлади. Энди куч билан иттифокни сақлаб қолиш мумкин бўлмай қолганди. М.С.Горбачев собик иттифок ҳукмрон партияси раҳбари бўлгач янги ҳокимият шўро жамияти тўқнаш қелган қийинчиликлар ва тўпланиб қолган муаммоларни ҳал қилмасдан туриб мавжуд давлат ва тизимни сақлаб қолиш мумкин эмаслигини англаб етди. Натижада жамиятни янгилаш, ижтимоий иқтисодий ва сиёсий ҳаётда жиддий ўзгаришлар қилиш йўллари излана бошлади.

Ҳукмрон Фирка марказкумининг 1985 йил (апрел) пленуми мамлакатда вужудга қелган вазиятни таҳлил қилиб, шўро жамиятини ва янгилаш зарурлиги борасида кўрсатмалар берди. Натижада Ўзбекистонга "кадрлар десанти" юборилди. СССР прокуратураси ходимлари, ашаддий шовинистлар Гдлян ва Ивановлар раҳбарлигидаги терговчилар гуруҳи Ўзбекистонга келиб "енг шимариб" ишга қиришдилар. Гдлян ва Ивановлар бошчилигида марказдан юборилган терговчилар марказнинг қўллаб қувватлиши билан улар "ўзбеклар иши", "Пахта иши", "ўзбек мафияси" деган сохта уюдирмаларни тўқиб чиқардилар. Бундан мақсад ўзбек халқини, Ўзбекистонни нафакат иттифокда, қолаверса дунёда бадном қилиш, жазолаш ва шу йўл билан бошқа иттифокчи республикаларни чўчитиш бўлиши эди. Афсуски, Ўзбекистоннинг ўша вақтдаги раҳбарлари буни кўра билмади туриб ломлим демадилар, аксинча десантчиларга қўмақлашдилар. Бунинг оқибати эса уларнинг ўзлари учун ҳам ҳалокатли бўлди. Десантчилар ўзбек халқини кўз бўямачилиқда, порахўрликда, қўшиб ёзишларда, боқимандаликда ва ҳақдорларда айблаб, фирка ва давлат раҳбарларидан тортиб оддий дехқонларгача тақиб остига олдилар. Биргина сохта, уйлаб чиқилган "Пахта иши" натижасида 25 мингга яқин республикамиз фуқаролари қийноқларга солинди, судсиз, терговсиз қамалди. Буларни орасида кексалар, ҳомиладор аёллар, ногиронлар ҳам бор эди.

Айбсиз қишиларга жисмоний қуч ишлатиш, қўрқитиш йўли билан айблар қўйилди. Оддий меҳнатқашлардан катта миқдорларда пул, ўз раҳбарлари тўғрисида нотўғри кўрсатмалар бериш талаб қилинди. Республикада "адолатсизликлар", қўшиб ёзишлар ҳақида марказий газета-журналларда, радио ва телевиденияда мунтазам хабарлар босилиб, миллий шаъни бадном, шарманда қилинди.

Бундай ҳолат республикада амалга оширилиши лозим бўлган иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий ислохотларга ҳам чуқур салбий таъсир кўрсатди. Мамлакатдаги мавжуд маъмурий ислохот тизими, "кадрлар десанти" сиёсати натижасида янада қўчайган "қўрқув" иқтисодий ва ижтимоий соҳада жиддий қайта қурилишларга олиб қелмади. Хўжалик ҳисоби ёки бригада пудратига ўтказилган бир қанча саноат соҳалари, қурилиш ва транспорт қорхоналари, пахтачилик бригадалари, совхозлар бўлимлари деярли ислох қилинмаган вазирликлар ва идораларнинг эскича тўраларча иш олиб боришлари натижасида ислохотлар йўлидан бора олмадилар. Бу ҳол меҳнат жамоалари ташаббуси

ва фаоллигини бўғиб кўйди, фан-техника тараккиётига тўганок бўлди. Натижада бутун собик иттифокда бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам ижтимоий-иқтисодий ривожланишда туб ўзгаришлар яратишга қаратилган қайта қуриш муваффақиятсизликка учради.

Қайта қуришнинг иттифокчи республикалар мақоми ва ҳуқуқни кенгайтириш ҳақидаги режалари ҳам амалга олмади. Республиканинг олтин, тоғ-қон, газ, металлургия, машинасозлик, электротехника, қимё каби муҳим саноат тармоқлари ҳам марказ ихтиёрида қолаверди. Шунини айтиш керакки, бу даврда иттифок раҳбарияти Ўзбекистонда фақат пахтани қайта ишлашдан 75 млрд.рубли фойда олишни билгани ҳолда, республикамизни дотациялар ва молиявий ёрдамга муҳтож, деб уни боқимандаликда айблашда давом этдилар.

Собик иттифокда ва республикада вужудга келган вазият, миллий урф-одатлар, анъаналар, кадрларнинг топталиши, халқимиз орасида турли кўринишларда марказ сиёсатидан норозиликларнинг кўчайишига олиб келди. Таҳқирлаш ва қамситишлардан беғиб қолган халқ ўз ҳақ ҳуқуқини талаб қилишга киришди. Мачитларнинг ёпилиши, диний эътиқоднинг таъқиб қилиниши, ҳатто энг яқин қишиси вафот этганда ҳам уни охириги манзилга қузатишдан қўчиб туриш, "Наврўз" байрамнинг сохталаштирилиб "Навбахор" деб эълон қилиниши, ўз гўдагига алла айтиб овитишни ҳам унитиш, миллатлараро муносабатларнинг атайин қескинлаштирилиши (Фарғона, Уш, Қўқон, Паркент воқеалари) ва бошқа ҳолатлар халқимизнинг кўзини очиб берди.